

UDK:

Сотволдиев С.М.

Ориентал университети ўқитувчиси

**ЖАДИД МАТБУОТИНИНГ 1917-18 ЙИЛЛАРДАГИ ҲОЛАТИ: “ТУРК
СЎЗИ” ГАЗЕТАСИ ПУБЛИЦИСТИКАСИ МИСОЛИДА**

Аннотация. Ушбу мақолада жадинд матбуоти 1917-18 йилларда жсамоатчилик эътиборига олиб чиққан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавзулар кўлами “Турк сўзи” газетаси материаллари асосида таҳлил қилинади. Газетанинг публицистик руҳи, тили ва услубини ўрганиш давр матбуотининг умумий қиёфасини жонлантиришига хизмат қилади.

Калит сўзлар: жадиндчилик, жадинд матбуоти, “Турк сўзи” газетаси, публицистика, мақола, тил ва услуб.

Sotvoldiev S.M.

Teacher of Oriental University

**SITUATION OF THE JADID PRESS IN 1917-1918: AN EXAMPLE OF
PUBLICISTICS OF THE NEWSPAPER “TURK SUZI”**

Abstract. This article, based on materials from the Turk Suzi newspaper, analyzes the range of socio-political and economic topics brought to the attention of the public by the modern press in 1917-1918. The study of the journalistic spirit, language and style of the newspaper serves to revive the general image of the press of that time.

Key words: Jadidism, Jadid press, newspaper “Turk Suzi”, journalism, article, language and style.

1917-18 йиллар жадинд матбуотида демократик фаолият куртаклари кўзга ташланади. Чунки бу давр нашрларида халқимизни қийнаб келаётган зулм, маънавий-маданий маҳдудликдан қутилиш чоралари ва миллий тараққиётга эришиш йўллари баён этилган публицистик чиқишлар сон жиҳатидан кўпаяди. Шу давр публицистикасини кузатар эканмиз, Туркистон ҳаётида юз

бераётган ҳар бир ўзгариш, депсиниш жадид публицистларининг эътиборидан четда қолмаганига, уларни халққа етказишга мунтазам интилишганига амин бўламиз. “Турк сўзи” газетаси илғор нашр сифатида мазкур восита ва усуллардан қай даражада фойдаланди? Афсуски, газетанинг барча сонлари ҳозиргача сақланиб қолмаган. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг “Нодир манбалар” фондида сақланаётган 4-сони 1918 йилнинг 2 июнида, якшанба куни чоп этилган (ҳижрий ҳисобда 22 шаъбон, 1336 йил). Агар газетанинг ҳафтада икки марта чоп этилганини ҳисобга олсак, биринчи сони тахминан 22 майда чиққан бўлиши мумкин. Ҳар бир сонда обуна нархлари бериб борилган: 1 йил учун – 34 сўм, 6 ой учун – 17 сўм, 3 ой учун – 9 сўм. Газета ҳафтанинг якшанба ва чоршанба кунлари чиқиши кўрсатилган бўлса-да, ҳар доим ҳам бу кўрсаткичга тўлиқ риоя этилмаган. Манзили: Эски Тошкент, Шайхонтоҳур даҳаси, Саид Али хўжа эшон ўғли болохонаси.

Газета “шапка”сидаги “Маслагимизга мувофиқ ёзувларга саҳифаларимиз очикдир. Дарж этилмаган (*чоп этилмаган*) мақолалар қайтарилмайди” деган битик таҳририят кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатишдан манфаатдор бўлганини тасдиқлайди. Баҳоси 40 тийинни ташкил қилган. Шиори: “Турк миллатини сиёсий, иқтисодий ва илмий қутқаруб чин бир турк маданиятини вужудга келтурмак”. Бу “сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва адабий турк газетаси” муштарийларга қарата “Турк болалари, бирлашуб сиз ҳам ҳаётдан ўз насибангизни олингиз!” дея мурожаат қилади. Газетанинг 4-сони бош саҳифасига муаллифи “идораи таҳририя” бўлган “Эҳтиёж” номли бош мақола жойлаштирилган. Унда “...инсон дунёсининг бош дақиқасиндин бошлаб диққат билан қараб келганлар. Кўрарларким: Еримизнинг қизиқ бир ажойиб хонаси бўлган бу дунё (*инсон дунёси*) кўб ўзгаришлар ва кўб табдилларни (*йўқотишлар*) кўрмишдур. Бурун замонларда маданиятнинг бутун осориндин баҳрамиз бўлгон инсонлар ёвош-ёвош (ёш) оилалар, эллар, аймақлар ва миллатлар ясаб, қишлоқлар, кентлар, шаҳарлар ва ўлкалар

қураулар. Бу миллатлардан иккиси уришур, бири енгар, бири енгилур. Бири саодат тоғларининг тебаларига қадар чиқар экан, ўзгаси бадбахтлик чуқурларининг тубларинда тушиб колар...”, дея замонанинг ўзгаришларига муносабат билдирилади. Мақоланинг публицистик тилига эътибор берилса, метафорлаштириш ва истиора услуби кўзга ташланади.

Мақола куйидагича давом этган: “Мана шул яшаш-қурушлар, енгиш-енгилишлар, чиқиш ва тушишларни(нг) тарихчи билгули сабаблари бордир: замон истаги билан одам бошига тушган эҳтиёж! Замон ўтгунча одам боласининг муҳтожлик доираси кенгаюр, эҳтиёжи кўпаюр. Шул эҳтиёжларни сезиб кўтарилмаси учун тиришкан миллатлар яшай биларлар. Дунёда тараққий килфон миллатлар шул муҳтожликларини англаб кўрилмаси учун тиришканлар эрурлар. Замонанинг ўзгардигини (*ўзгарганини*) ва шул ўзгаришлар сабабли эҳтиёжларнинг кўпайдигини (*ортганини*) сезмаганлар истар-истамаса маҳв бўлуб кетарлар”.

Аён бўлмоқдаки, мақоланинг асосий мақсади Туркистон халқлари тараққий этиши учун, аввало, ўз эҳтиёж доирасини белгилаб олмоғи зарурлигини кўрсатишдир. Акс ҳолда эҳтиёжини англаб етмаган миллат “истар-истамаса маҳв бўлуб кетар”ини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ҳақиқатни таҳририят жамоаси ўзига хос пафос билан муштарийларига етказмоқда.

Мақола давомида Одам болаларининг ёлғиз эл, қабила, тарқоқ бўлиб яшаши тарихда қолгани, энди замонлар ўтиб “миллат” бўлиб яшашга муҳтож бўлишгани, натижада тил бирлиги остида бирлашиб бир миллат шаклини олган қабилалар шубҳасиз яшаб юксалишаётгани таъкидланади. Лекин шу эҳтиёжни сезмаган ёхуд ўзини сезмасликка олиб бирлашмаган қабилалар албатта кучсизланиб, йўқолиб кетишганидан ёзғирилади. Ҳа, бу тахлит “табиий бир қонун, ижтимоий бир қоида, олий бир низом” остида миллатнинг бирлашуви масаласи 1918 йилда замон талабига айланди.

Мақола давомида даврнинг асосий сиёсий воқеликлари – Биринчи жаҳон уруши ва миллатлар ўртасидаги ички низоларга ҳам диққат қаратилади. Сўнг секин-аста мақола мавзуси Туркистон халқлари ҳаётига бурилади. Унинг ўша пайтдаги ачинарли аҳволи, таназзули устидан ёзғирилади: “Энди инсоф кўзларини каттароқ очиб ўз ҳолимизга қарайлик: кўриб турдигимиз юксалган миллатларнинг қай бири янглик кучимиз бор? Инглизлар қаби тарбия ва саботимизми бор? Олмонлардек ҳунар ва журъатимизми бор? Русия сингари ғайратми кўрсатдик? Франция янглиғ фалсафа ва ҳикматми билдик? Энг сўнги ...шул яҳудий ва арманларга тенг тижорат ва бирлигимиз борми? Йўқ, йўқ, йўқ..!” Айтиш керакки, риторик саволлар воситасида ўртага ташланган бундай “ҳасби ҳол” жадидлар учун хос бўлиб, ўзларининг ҳар бир чиқишларида ўз аянч аҳволларидан қайғуриш орқали миллат қиёфасини ислоҳ этишга тиришишган. Мақолада мазкур муаммони ечиш йўли илм-фан ва маданиятни кўтариш экани кайд этилади.

Шу сондан ўрин олган “Турклик жараёни” мақоласи ҳам эътиборга муносиб. Публицист Муҳаммад Саид бу мақоласида 1917-18 йилларда турк халқлари бошига тушган кийинчиликларни баён қилар экан, бунга уларнинг бирлашиб ҳаракат қилмаганини сабаб қилиб кўрсатади. Умуман олганда, “Турк сўзи” газетасида шунга ўхшаш туркий халқларни бирликка чакирувчи мақолалар кўплаб босилган.

Газетанинг “Адабиёт” рукнида берилган ғазаллар ҳам публицистик руҳияти билан диққатга сазовор. Фондда мавжуд сонларнинг иккитасида 2 та ғазал бор. Улардан бири “Дорилфунун учун” деб номланган. Муаллифи Баҳром Хидрис деб кўрсатилган. Маълумки, Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида қатор жадид маърифатпарварлари 1918 йилнинг 12 май куни “Туркистон халқ дорилфунуни”ни очишга муваффақ бўладилар. Бу дорилфунун ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “бобокалони”дир. Жадидлар яхши англари, миллатни уйғотишнинг бош воситаси илм-маърифат, дорилфунун эса

Туркистон халқларига маърифат зиёсини таратувчи маёқ вазифасини бажариши керак эди. Ғазалда ҳам шу мазмун ва маслак аниқ ифода этилган:

“Ғофил ўлмангиз ёронлар, очилур Дорилфунун,
Табрикланг, ғайрат этинг, илм ўрганинг миллат учун!
Фан керак, ғайрат керак, жаҳд ва жадал килмоқ керак,
Ташлангиз ғафлат ила танбаллигингиз бус-бутун...”

Шеърда ўткир нигоҳ ва норозилик аланга олаётганининг нишонлари бор. Бундай публицистик пафосга караганда, “Турк сўзи” миллий талантларни тарбияловчи ижодий масканга ҳам айланган кўринади.

“Турк сўзи” газетасида Муҳаммад Саид, Баҳром Хидрисдан ташқари Туйғун ҳам ўз мақолалари билан иштирок этиб турган. Газетада катта ҳажмдаги, хатто бир неча сонларга чўзилган мақолалар учрайди. Масалан, “Турклик жараёни”, “Франция инқилоби натижалари”, “Яшамок орзуси”, “Яна интизор” каби мақолалар шулар жумласидан.

Газетанинг ҳар сони сўнгги 4-саҳифаси хабарлар учун ажратилган. Бу хабарлар “Доҳилий хабарлар” (маҳаллий), “Хорижий хабарлар” (ташқи) тарзида рукнлаштирилган. Шунингдек, эълон ва рекламалар ҳам ўрин олган. Фондда сакланаётган ҳар тўрт сонидан “Халқ дорилфунуни” газетаси чоп этила бошлагани ва унга обуна бўлиш шартлари баён этилган эълон бор. Маълумот ўрнида айтиш керакки, “Халқ дорилфунуни” газетаси 31 майдан Туркистон халқ дорилфунунининг нашри афкори сифатида чиқа бошлаган. Демак, бу газета ҳозирги “Ўзбекистон Миллий университети” газетасининг тарихий негизидир. “Турк сўзи” бу воқеани ҳам миллат учун муҳим санаб, ўз саҳифаларида мунтазам ёритиб боришга интиланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Турк сўзи” газетаси Туркистоннинг 1917-18 йилдаги ҳаётида нимаики содир бўлса, барига муносабат билдиришга, камчилик ва муаммоларни олиб чиқишга ҳаракат қилди. Газета публицистикаси ва услубига таъсир этган омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Туркистон халқлари силласини қуритаётган Биринчи жаҳон уруши ва унинг салбий оқибатлари, ўлкада юзага келган иқтисодий таназзул;
- февраль ва октябрь тўнтаришлари; пировардида туркий халқлар хаётида бўлган ўзгаришлар, инкилобларнинг Туркистонга кўрсатган таъсири;
- 1917 йил 27 ноябрда Қўқонда ташкил этилган ва шу кунни Фитрат “миллий лайлатул кадримиз” деб улуғлаган Туркистон Мухторияти, унинг дастур ва низомлари, мухторият масъулларининг федерация олиш учун саъй-ҳаракатлари ва унинг большевиклар томонидан қуролли барбод этилиши;
- 1918 йил 12 майда Туркистон халқ дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг очилиши ва иш бошлаши.

Адабиётлар рўйхати

1. Sotvoldiev, S. (2023). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID'S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(7), 62-66.
2. Sotvoldiev, S. (2022). PRINCIPLES OF COMPOSITION OF SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF IBN SAYYID'S DICTIONARY" AL-MUSALLAS". Thematics Journal of History, 8(1).
3. Maxammaddin o'g'li, S. S. (2023). IBN MOLIK HAYOTI VA UNING ARAB TILSHUNOSLIGIDA TUTGAN O'RNI. Vol. 2 No. 11 (2023): Innovative Development in Educational Activities (IDEA)
4. Sirojiddin, S. (2023). «МУСАЛЛАС» ТУРИДАГИ ЛУҒАТЛАРНИНГ АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДАГИ ЎРНИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(11), 356-365.
5. ўғли Сотволдиев, С. М. (2023). АРАБ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИДА МАНЗУМА МУСАЛЛАСЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(23), 474-478